



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI
BOG‘OT TUMANI HOKIMINING
QARORI

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - avgust

7834 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Матризаева Наргиза Юлдашевнага
Боғот тумани “Оқтепа” маҳалласи ҳудудига
вақтинча енгил конструкцияли бутка ўрнатишга
рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани “Маданият” маҳалласида яшовчи фуқаро Матризаева Наргиза Юлдашевнанинг “Оқтепа” маҳалласи ҳудудига вақтинча (3,0x6,0) 18,0 квадрат метр ўлчамдаги бутка ўрнатишга рухсат беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 5 апрелдаги ШЯ-М-1493-сонли мурожаатини, туман Архитектура ва қурилиш бўлимининг далолатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 10, 25-моддаларига, “Ер кодекси”нинг 62-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Боғот тумани “Маданият” маҳалласида яшовчи фуқаро Матризаева Наргиза Юлдашевнага “Оқтепа” маҳалласи ҳудудига (3,0x6,0) 18,0 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли буткани вақтинча 1 (бир) йил муддатга ўрнатишга рухсат қилинсин.

2. Фуқаро Матризаева Наргиза Юлдашевнани “Оқтепа” маҳалласи ҳудудига вақтинча (3,0x6,0) 18,0 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли бутка ўрнатилиши учун ажратиб берилган ер майдонидан мақсадли фойдаланмаганда ёки ажратиб берилган ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширилганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддасига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбонов)га фуқаро Матризаева Наргиза Юлдашевна “Оқтепа” маҳалласи ҳудудига вақтинча (3,0x6,0) 18,0 квадрат метр ўлчамдаги енгил конструкцияли бутка ўрнатилиши учун ер майдонини белгилаб бериш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Куръязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

Ш.Яхшибаев